

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТАШПУЛАТОВ ГИЁС ТОХИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ВА
РЭНКИНГИ БАҲОЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УЎК: 33:303.443.2(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ташпулатов Гиёс Тохирович

Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланишини
такомиллаштириш.....3

Ташпулатов Гиёс Тохирович

Совершенствование оценки рейтинга и рэнкинга оценочных организаций в
Узбекистане27

Tashpulatov Giyos Tokhirovich

Improving the rating and ranking of appraisal organizations in Uzbekistan51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТАШПУЛАТОВ ГИЁС ТОХИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ВА
РЭНКИНГИ БАҲОЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt981 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шоҳазамий Шоҳмансур Шоҳназир ўгли**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Одилжон Бердимуратович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**


Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 12 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.


Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (240 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «4» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «4» 12 даги 54 рақамли реестр баённомаси.)




Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қийматни баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланишини махсус эксперт-аналитик жараён ва бизнес, улар маҳсулотини бозор товари ва индикатори, буларнинг тўпламини яхлит иқтисодий категория ҳамда ушбу категория билан боғлиқ фан ва амалий фаолият соҳаси сифатида мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишида муҳим роль ўйнаши эътироф этилган. Жаҳон амалиётида, рейтинг агентликлар томонидан баҳоловчи ташкилотлар рейтинги тегишли сифатий ва миқдорий кўрсаткичларни қамровчи учта базавий индекслар – бизнес-индекс, корпоратив индекс, молиявий индекс – асосида баҳоланади. Рейтингларни тузишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар турли хил бирликларда ўлчаниши мумкин, шунинг учун интеграл рейтингни баҳолашда ўлчовсиз миқдорга ўтадилар, яъни маълум бир параметрнинг максимал ёки минимал намоёниши бирлик сифатида қабул қилинади, сўнгра барча рейтинг объектлари учун ушбу параметрнинг максимал ёки минимал қийматига нисбатан ифода даражаси аниқланади. Бунда рейтингнинг ишончлиги тўғридан-тўғри дастлабки маълумотларнинг аниқлиги ва рейтинг-экспертнинг малакасига боғлиқ.

Жаҳон амалиётида ушбу соҳа халқаро экспертларининг хулосасига¹ кўра, «..... дунёда ушбу соҳанинг назарий-фактологик базиси, методологик ва институционал таъминоти шаклланган бўлсада, лекин глобал беқарорлик ва рисклар кучайиши, рақамли инновацион технологиялар жорий қилиниши, вируслар пандемиясининг кенг тарқалиши каби турли омиллар глобал рақамли муносабатлар ривожланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг транспарентлиги ва рақобатдорлиги, рейтинги ва рэнкинги аниқлиги, тезкорлиги ва ишончлиги оширилишини талаб қилмоқда. Дунёда мулк қийматини баҳолаш хизматлари миллий бозорларининг тез суръатлар билан рақамлаштирилиши сабабли бозор иштирокчиларининг кенг кўламда глобал рақамли муносабатларга ўтиши эса баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланишининг такомиллаштирилиши зарурлигини англатади». Шу сабабли, баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини бозор конъюктурасини ўзгартиришларига боғлиқ равишда баҳолашни такомиллаштириш, баҳолаш хизматларини рақамлаштириш, баҳолаш жараёнларига глобал беқарорлик ва рискларнинг таъсирини баҳолашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорида фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш муаммолари ва уларнинг комплекс ечими баҳоловчи ташкилотлар фаолият рейтинги баҳоланиши ва рэнкинги аниқланиши тизими ва методологиясини жорий қилиш, бозор фаолиятини тартибга солишда ўзини-ўзи мувофиқлаштириш

¹ Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истикболлари. Халқаро валюта фондининг бюллетени, 2020 йил октябрь (www.imf.org); Жаҳоннинг рақамли ривожланиши тўғрисида доклад. ЮНКТАД, 2020 йил октябрь (www.unctad.org/diae); Жаҳон банки, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Умумжаҳон иқтисодий форум, Ernst&Young, KPMG, McKinsey, PricewaterhouseCoopers, Boston Consulting Group, Accenture Strategy, Huawei, Oxford Economics, Standard&Poors, Fitch Ratings, Moody's I.S.

механизмини жорий қилиш ҳамда улар фаолияти рақамли трансформацияси билан узвий боғлиқлиги, айтилганлар контекстида, бир томондан, «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси² ва Давлат раҳбарининг баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш хизматлари бозорида эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини жорий этиш билан боғлиқ топшириғига³ ҳамоҳанглиги, иккинчи томондан эса, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкингини Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш шароити ва талабларига мос равишда аниқлаш имконини берувчи биронта ҳам методология ва рейтинг агентлиги йўқлиги, танланган диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4210-сон қарори, 2019 йил 1 июлдаги «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4381-сон қарори, 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6079-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июндаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» 207-сон қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориж мамлакатлари бўйича амалга оширилган библиографик таҳлил асосида рейтингни баҳолаш масалалари ечимига эришиш хорижлик олимлардан Altman E., Saunders A., Rijken H., Amato J., Furfine C., Bannier C.E., Behr P., Guttler A., Poon W.P.H., Firth M., Mukhopadhyay B., Linciano L., Micu M., Jacobson T., Linder K., Reinhart C., Hunt K. ва бошқаларнинг⁴ асарларида ўз аксини топган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4381-сон қарори.

⁴ Altman E., Rijken H. (2004). «How rating agencies achieve rating stability». *Journal of Banking & Finance*. Vol. 28, pp. 2679–2714; Amato J., Furfine C. (2004). «Are credit ratings procyclical?» *Journal of Banking & Finance*. Vol. 28, pp. 2641–2677; Bannier C.E., Behr P., Guttler A. Rating opaque borrowers: Why are unsolicited ratings lower? // *Review of Finance*. 2010. No. 14. P. 263–294; Poon W.P.H., Firth M. Are unsolicited credit ratings lower?

МДХ мамлакатларидаги компания рейтинглари масалалари Шеремет А.Д., Миркин Я.М., Дьячкова Н.Ф., Курбатова Е.В., Безбородова Т.И., Чайковский А.А., Синяк Н.Г., Долгих А.Н., Волкова О.Н., Новопашина Е.А., Савина А.В., Чегринцева Н.С., Онучак В.А., Свиридова Н.В., Карминский А.М., Полозов А.А., Ковалева М., Моисеев С.Р., Мухаметзянов Э., Постюшков А.В., Рослов В.Ю., Костирко Р.О., Головань С.В., Солодов А.А., Карташов К.А. каби олимларнинг⁵ ишларида амалдаги классик усулларда ўрганилган.

International evidence from bank ratings // Journal of Business Finance & Accounting. 2005. No. 32 (9) & (10). P. 1741–1771; Mukhopadhyay B. (2006) Existence of unsolicited ratings // Asia-Pacific Financial Markets. 2006. Vol.13. Issue 3. P. 207–233; Linciano L. The Information Content of Ratings The Effects of Rating Agencies Actions on Stock Prices for the Italian case // The Journal of Finance. 2002. №1. P. 18; Micu M. The price impact of rating announcement: which announcement matter? // Bank for international settlement. 2006. №6. P. 2; Denis Diane. S&P 500 Index Additions and Earnings Expectations // Journal of Finance. 2003. №5. P. 1281; Jacobson T., J. Linder, K. Roszbach, 2006. Internal ratings systems, implied credit risk and the consistency of banks' risk classification policies. Journal of Banking & Finance, 30, 1899–1926; Reinhart C., 2002. Sovereign ratings before and after global financial system. Editors R. Levich, G. Majononi and C. Reinhart. Boston, Kluwer Academic Publishers. 251-268; Hunt K. China ratings firms challenge US dominance // BBC. 2012. URL: <http://www.bbc.com/news/business-20078837>.

⁵ Шеремет А.Д. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. М.: НИЦ Инфра-М, 2013. – 229; Миркин Я.М. Рейтинг как элемент суверенитета // Эксперт. 2014. № 6. с.14; Дьячкова Н.Ф. Сопоставление рейтинговых шкал российских и зарубежных агентств: промышленные и финансовые компании // Корпоративные финансы, 2018, №2, Том 16. НИУ «ВШЭ». – с.35-52; Курбатова Е.В., Безбородова Т.И. Рейтинговая оценка как экономическая категория. // В монографии: Теоретико-методологические подходы к формированию системы устойчивого развития предприятий, комплексов, регионов. Под ред. В.В. Бондаренко, И.А. Игошиной, М.А. Таниной, Т.И. Безбородовой. - Пенза: Изд-во ПГУ, 2016, 508 с. - с.185-192; Чайковский А.А. Рейтинговые оценки и их формирование в отраслевой экономике / Автореферат канд. диссертации. ГОУ ВПО «Государственный университет управления», Москва, 2008. – 22 с.; Синяк Н.Г. Анализ параметров и разработка методики оценки компаний, занимающихся оценочной деятельностью./Н.Г.Синяк, А.Н.Долгих // Вестник Полоцкого госуниверситета. Сер. Д. Экономические науки. – 2012. – № 6. – С. 27–34. <http://elib.psu.by:8080/handle/123456789/290>; Волкова О.Н., Ковалев В.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия – М. : ПБОЮЛ М. А. Захаров, 2001. – 424 с.; Новопашина, Е.А. Практика оценки финансового состояния хозяйствующего субъекта с учетом мирового опыта : учеб. пособие / Е. А. Новопашина. – М., 2008. – 56 с.; Савина А.В. Роль рейтингов при оценке конкурентоспособности предприятий./А.В.Савина//Практический маркетинг.–2006.–№ 113.–С. 7-11; Чегринцева Н.С. Рейтинговая оценка результативности социального партнерства организации / Чегринцева Н.С. // Экономический анализ: теория и практика. – 2010. – № 36. – С. 29–37; Онучак В.А. Международные рейтинговые агентства и их оценки: Учебное пособие. – М.: Анкил, 2012. –165 с.; Система рейтингового анализа финансового состояния организаций / Свиридова Н.В.; Под ред. В.И. Бариленко. – М.: Альфа-М, 2007. –256 с.; Энциклопедия рейтингов: экономика, общество, спорт / Карминский А.М., Полозов А.А. -2-е издание, перераб. и доп. – М.: ИД ФОРУМ, НИЦ ИНФРА-М, 2016. – 448 с.; Ковалева М. Рейтинг бьет рекорды // Эхо Москвы, 2004. №38. –с.3.; Моисеев С.Р. Регулирование деятельности рейтинговых агентств на национальном рынке // Вопросы экономики. 2009. № 2. С. 39.; Мухаметзянов Э. Рейтинг как он есть / Мухаметзянов Э. // Время и деньги [Электронный ресурс]. – 2003. – № 240. – Режим доступа: <http://www.e-vid.ru/index-m-192-p-63-article-5000-year-2010-month-5.htm>. – Дата доступа 18.07.2010; Постюшков А.В. Методика рейтинговой оценки предприятий / Постюшков А.В. // Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2003. – № 1. – С. 46 – 54.; Рослов В.Ю. Опыт проведения аккредитации оценочных компаний при сетевом банке / Рослов В.Ю. // Банковское кредитование. – 2007. – № 4. – С. 54 – 61; Костирко Р. О. Финансовий аналіз: Навч. посібник. - Х.: Фактор, 2007. - 784 с (623 б); Головань С.В., Карминский А.М., Пересецкий А.А. Сопоставление рейтинговых шкал агентств на основе эконометрического анализа рейтингов российских банков // XII Международная научная конференция по проблемам развития экономики и общества, доклад. М.: 2011. URL: https://www.hse.ru/data/2011/03/18/1211255041/%D0%94%D0%BE%D0%BA%D0%BB%D0%B0%D0%B4_1.pdf); Карминский А.М. Модели корпоративных кредитных рейтингов. — М.: Российская экономическая школа, 2009. - http://fir.nes.ru/ru/programs/econ/Documents/Препринты/2010/Karminsky_2010.pdf; Солодов А.А. Математические принципы построения рейтинговых систем // Экономика, статистика и информатика. – 2016. – № 1. – С. 75–81; Карташов К.А. Международные рейтинговые агентства – диссонанс развития конкурентоспособности национальных экономик в современных реалиях // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 11-5. – С. 1108-1113.; Демьянова Е.А. Актуальные вопросы стоимостной оценки компаний в условиях финтех. Стратегические решения и риск менеджмент. - 2018. - №1 (106) С. 102-117.; Седегов Н.А.

Ўзбекистонда компаниялар рейтингини баҳолаш билан боғлиқ баъзи ишларни куйидаги маҳаллий иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан бажарилган: Шоҳаъзамий Ш.Ш., Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н, Суннатов Ю.У., Алимов Б.Б., Азимова Т. ва бошқалар⁶.

Хориж мамлакатлари иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида рейтинг баҳолашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган методологиялари қўлланилган бўлсада, лекин ўзбек олим ва экспертлари томонидан баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳолаши масалалари ечимига миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси шароитида эришилмаган⁷. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқотнинг заруратиغا, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаши ва рэнкинги аниқланишини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлашнинг такомиллаштирилган комплекс (умумлашган) ёндашуви ва уни қўллаш тамойиллари ва методологиясини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мулк қийматини баҳолаш

Информационная система оценки деятельности организаций. «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» - 2018. - №4(20).

⁶ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 352 с.; Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2013. 392 б.; Азимова Т. Рейтинг оценщиков повысился / Т. Азимова // Биржа [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.gazetabirja.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=18921&Itemid=34; Каландарова Н.Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 48 б.; Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг янги ёндашуви.// «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали №5, 2017 йил сентябр.-20 б.; Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар молиявий ҳолатига баҳо бериш учун бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланувчи трансформацияланиш коэффициентларининг эталон миқдорларни аниқлаш ва уларни қўллаш.// «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали №1, 2020 йил феврал.; Суннатов Ю.У. Номолиявий компанияларнинг умумий баҳосига қараб молиявий топ-кучликдаги ўрнини аниқлаш.// «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали №4, 2020 йил август. -10 б.; Shokhazamiy Sh.Sh., Alimov B.B. Methods for complex retro-forecast analysis and complex forecasting of the accounting balance in terms of the interests of investors of insurance companies. // «International Journal of Research in social sciences» Volume-9, Issue-7, July 2019. 652-672 p.; Шоҳаъзамий Ш.Ш., Алимов Б.Б. Суғурта компаниялари бухгалтерия балансини уларнинг инвесторлари манфаати нуқтаи назарида комплекс прогноз қилиш методи//Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2019. -№3.75-84-б.; Хақимов Б.Ж., Алимов Б.Б. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2013. -240 б.

⁷ Ўзбекистонлик олим Шоҳаъзамий Ш.Ш., Алимов Б.Б., Суннатов Ю.У. томонидан қўлланилган математик методлардан ташқари.

хизматлари бозорига таъсири ва ушбу бозорнинг миллий иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо бериш ва унда фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш муаммоларини аниқлаш;

таклиф қилинган комплекс ёндашувни Россия ва Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги миқдорий баҳоланиши мисолларида унинг хоссалари ва имкониятларини эмпирик апробациядан ўтказиб амалий жиҳатдан тўғри, қулай ва ишончли эканлигини асослаш;

миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳоланиши ва рэнкинги аниқланишини такомиллаштиришга қаратилган қуйидагиларни ишлаб чиқиш:

баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлашга йўналтирилган рейтинг агентлиги хизматининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш;

баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш методологиясининг эквивалент вариантларини қўллаш;

баҳоловчи ташкилотлар ва улар рейтинг агентлиги фаолиятларини ўзаро боғлиқликда рақамлаштириш технологияларини жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги ҳамда уларни баҳолаш агентликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳоланишини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли ёндашув, кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, абстракт-мантикий фикрлаш, математик формализация, эмпирик тест синов, комплекс таҳлил ва комплекс прогнозлаш, статистик қайта ишлаш, эконометрик моделлаштириш, солиштирма таҳлил, рейтинг ва рэнкингни миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

баҳоловчи ташкилотлар миллий рейтингини баҳолашда қўлланилувчи сифатий ва миқдорий индексларнинг молия ва кредит тизими омили таъсирида бир-бирига айланиши хоссаси ва ўзаро эквивалент категориялар эканлиги асослаб берилган;

баҳоловчи ташкилот фаолиятининг ҳолатини эквивалент ифодаловчи ва умумий рейтингини кўрсаткичини ташкил қилувчи сифатий (номолиявий) ва миқдорий (молиявий) индекс кўрсаткичлари ва уларнинг аниқ миқдорларини илк бора ҳисоблаб топиш методикаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар фаолияти муваффақиятлилигини сифатий, миқдорий ва комплекс рейтинг индекслари бўйича баҳоланган рэнкинг натижаларини халқаро рейтинг агентликлари шкалаларига мувофиқлаштирилган аниқ интервалдаги сонлардан фойдаланувчи миллий универсал ўтиш (кросс) рейтинг шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, унинг [1; 10] интервали оралиқдаги сонлари инвестицион, [11; 21] интервал оралиқдаги сонлар спекулятив, [22- 25; -n] оралиқдаги сонлар дефолт синфларга бўлинган;

баҳоловчи ташкилот рейтинг ва рэнкингини баҳолашда унинг фаолияти ҳолатини эквивалент ифодаловчи учта вариантли – 1) сифатий индекс, 2) миқдорий индекс, 3) уларнинг вазн коэффицентлари кўпайтмасини ҳисобга олувчи йиғинди шаклидаги мезонга асосланган – ёндашувни рақамлаштириш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингининг аниқлиги, тезкорлиги ва ишончилигини рақобат муҳити ривожланишида муҳим ўрин тутиши ва уларни баҳолашнинг алоҳида иқтисодий категория ва фаолият соҳаси эканлиги назарий-фактологик асосланган;

баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлаш бўйича таклиф қилинган умумлашган (комплекс) ёндашувни қўллаш тамойиллари ва методологияси ишлаб чиқилган;

баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлашда ва уларнинг ахборот шаффофлиги ва рақобатдорлигининг комплекс ифодаланишини таъминлашда қўлланиладиган сифатий (номолиявий) ва миқдорий (молиявий) кўрсаткичлари ҳамда улар асосида сифатий рейтинг индекси (СРИ) ва миқдорий рейтинг индекси (МРИ) ишлаб чиқилиб, СРИ миқдорини 0; 0,5; 1 сифатий балларда ифодаланувчи мезонлардан фойдаланиш асосланган;

турли баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинг баҳоларининг кескин фарқланишини кескин камайтириш учун МРИ баҳолаш методикаси асосида аниқланадиган молиявий ўлчамдан фойдаланиб, СРИ бўйича баҳоланган ташкилотлар рейтингларини уларнинг молиявий ўлчами бўйича (яъни молиявий ўлчамни эквивалентлилик коэффиценти сифатида қўллаб) рэнкинглаш асосланган;

СРИ ва МРИ ўзаро эквивалент категориялар бўлганлиги учун улар 0,5 миқдордаги тенг вазнларда ҳамда баҳолаш аниқлиги нисбатан 4 (тўрт) баробарга юқори бўлган миқдорий 0,75, сифатий 0,25 вазнларда бўлиши мумкинлиги асосланган;

Халқаро рейтинг агентликлари шкалалари синфларининг рақамли аналоги сифатида қабул қилинган [1; 27; -*n*] интервалдаги сонлар тўпламидан иборат ўтиш шкаласи воситасида МРИ ёки СРИлар бўйича рэнкинглаш тавсия этилган. Ушбу агентликлар шкаланинг 22-25 сонлиларига мос индексга тушиб қолган компанияларга рейтинг хизматини кўрсатмаслиги уларни дефолт синфи гуруҳларига оидлиги ва бунда [1; 27; -*n*] интервалаги 1 сонига молиявий ўлчамнинг энг катта миқдори тўғри келса, -*n* сонига молиявий ўлчами манфий бўлган баҳоловчи ташкилот тўғри келиши асосланган;

миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси шароитига мос равишда комплекс ёндашув қўлланилишига асосланган рейтинг баҳолаш хизматини баҳолаш ташкилотлари фаолияти билан боғлиқликда рақамлаштириш орқали баҳолаш рейтинг агентликлар фаолияти тезкорлигини камида 3 (уч) баробарга ошириши асосланган;

баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини

аниқлашнинг таклиф қилинган умумлашган ёндашувини (методологияни) эмпирик-таҳлилий апробациядан ўтказишнинг амалий методикаси асосида Ўзбекистонда мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг транспарентлилик даражасини 100 фоизга етказиш ва баҳоловчи ташкилотлар рақобатдорлигини ошириш имконини беради. Тавсия этилган илмий ва амалий натижаларнинг барчасини мужассамлаштирувчи бош амалий натижа – мамлакатимиз мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори ривожланишининг миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияланиши шароитида фаолият юритувчи баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолашнинг принциплари, кўрсаткичлари ва ёндашувини ҳамда халқаро рейтинг агентликлари шкаласига мувофиқлаштирилган миллий рейтинг баҳолар кросс шкаласини ўз ичига олувчи умумлашган ёндашув ва уни қўллашнинг учта альтернатив эквивалент вариантини (яъни: фақат МРИ ёки фақат СРИ ёхуд ҳар иккала индексни ҳисобга олувчи умумлашган (комплекс) индекс бўйича рейтинг ва рэнкинг баҳолаш методикаларини) ўз ичига олувчи яхлит методология ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги мазкур ишда берилган назарий қараш, ёндашув, методлар ва моделлар расмий манбалар асосида ишлаб чиқилганлиги, илмий ва амалий ишланмалар назарий асосланганлиги, улар хориж мамлакатлари ва республикамизда фаолият юритаётган компаниялар аниқ маълумотлари асосида эмпирик-таҳлилий тасдиқланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишончилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончилик талабларига жавоб бериши, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий таклифлар ва амалий тавсиялардан баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳолашнинг назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро рейтинг баҳолаш амалиёти тажрибасига асосан такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолашнинг умумлашган (комплекс) ёндашуви ва унинг доирасидаги кўрсаткичлар, модель, индекслар, принциплар ва методикаларни амалиётда қўлланилишини таъминловчи ихтисослашган рейтинг агентлигининг ташкилий механизми асосида бундай агентлик бизнесини рақамли трансформациясида ва келгусида яратиладиган тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳолашнинг масаласининг назарий ва амалий ечимлари ҳамда таклиф этилган яхлит методология (комплекс ёндашув) мамлакатимиз мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорига ихтисослашган рейтинг агентликларининг назарий-методологик базисини шакллантирди. Ишлаб

чиқилган методологиянинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон қарорининг 7-банди 3-абзацда белгиланган вазифа⁸ ижросини таъминлаш имконини берганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳоланишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

баҳоловчи ташкилотлар миллий рейтингини баҳолашда қўлланилувчи сифатий ва миқдорий индексларнинг молия ва кредит тизими омили таъсирида бир-бирига айланиши хоссаси ва ўзаро эквивалент категориялар эканлиги асослаб берилганлигига оид таклиф «Ўзкимёсаноат» АЖ (2021 йил 5 майдаги 22-1681-сон маълумотномаси), «Ўзбектелеком» АЖ (2021 йил 1 июндаги 27-05-26/2389-сон маълумотномаси), фаолиятларида қўлланилган, Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси (2021 йил 30 июндаги 41/06-21-сон маълумотнома) фаолиятларида қўлланилиши тавсия этилган. Таклифни қўллаш натижасида рейтинг агентликлар томонидан баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини сифатий ва миқдорий индекслар асосида тизимли таҳлил қилиш натижаларининг эквивалентлиги асосида методик нуқтаи назардан фарқи 0% даражага туширган;

баҳоловчи ташкилот фаолиятининг ҳолатини эквивалент ифодаловчи ва умумий рейтингини кўрсаткичини ташкил қилувчи сифатий (номолиявий) ва миқдорий (молиявий) индекс кўрсаткичлари ва уларнинг аниқ миқдорларини илк бора ҳисоблаб топиш методикаси ишлаб чиқилганлигига оид таклиф «Ўзкимёсаноат» АЖ (2021 йил 5 майдаги 22-1681-сон маълумотномаси), «Ўзбектелеком» АЖ (2021 йил 1 июндаги 27-05-26/2389-сон маълумотномаси), фаолиятларида қўлланилган, Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси (2021 йил 30 июндаги 41/06-21-сон маълумотнома) фаолиятида фаолиятларида қўлланилиши тавсия этилган. Таклифни қўллаш натижасида ишлаб чиқилган методология асосида баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинг баҳоларини жорий қилиш мамлакатимиз мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг транспарентлилик даражасини 100 фоизга етказиш ва баҳоловчи ташкилотлар рақобатдорлигини ошириш имконини берган;

Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар фаолияти муваффақиятлилигини сифатий, миқдорий ва комплекс рейтинг индекслари бўйича баҳоланган рэнкинг натижаларини халқаро рейтинг агентликлари шкалаларига мувофиқлаштирилган аниқ интервалдаги сонлардан

⁸ Яъни бу вазифа: «Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамияти томонидан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар мониторинги асосида, штатда билимдон баҳоловчиларнинг мавжудлиги, мазкур баҳолаш ташкилоти томонидан бозорда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳолаш ташкилотларининг рейтингини жорий этиш тўғрисидаги ва уни жамоат ташкилотларининг веб-сайтларида эълон қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин».

фойдаланувчи миллий универсал ўтиш (кросс) рейтинг шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, унинг [1; 10] интервали оралиқдаги сонлари инвестицион, [11; 21] интервал оралиқдаги сонлар спекулятив, [22- 25; -n] оралиқдаги сонлар дефолт синфларга бўлинганлигига оид таклиф «Ўзкимёсаноат» АЖ (2021 йил 5 майдаги 22-1681-сон маълумотномаси), «Ўзбектелеком» АЖ (2021 йил 1 июндаги 27-05-26/2389-сон маълумотномаси), фаолиятларида қўлланилган, Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси (2021 йил 30 июндаги 41/06-21-сон маълумотнома) фаолиятларида қўлланилиши тавсия этилган. Таклифни қўллаш натижасида Россиядаги ва Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинглари ва рэнкинги қиёсий солиштириш асосида мамлакатимизнинг кучли баҳоловчи ташкилотларининг рейтинг ва рэнкинг баҳолари бўйича транспарентлилик, ишончлилик ва рақобатдорлик потенциали тахминан 50 (эллик) фоизга пастлиги аниқланган;

баҳоловчи ташкилот рейтинглари ва рэнкинги баҳолашда унинг фаолияти ҳолатини эквивалент ифодаловчи учта вариантлари – 1) сифатий индекс, 2) миқдорий индекс, 3) уларнинг вазн коэффициентлари кўпайтмасини ҳисобга олувчи йиғинди шаклидаги мезонга асосланган – ёндашувни рақамлаштириш тизими ишлаб чиқилганлигига оид таклиф «Ўзкимёсаноат» АЖ (2021 йил 5 майдаги 22-1681-сон маълумотномаси), «Ўзбектелеком» АЖ (2021 йил 1 июндаги 27-05-26/2389-сон маълумотномаси), фаолиятларида қўлланилган, Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси (2021 йил 30 июндаги 41/06-21-сон маълумотнома) фаолиятларида қўлланилиши тавсия этилган. Таклифни қўллаш натижасида рақамли формат моделида баҳоловчи ташкилотлар ҳолати рейтингини тахлилий прогноз қилиш ва баҳолаш рейтинг агентликлар фаолияти тезкорлигини камида 3 (уч) баробарга ошириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 2 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг қуйидаги жиҳатлари очиқ берилган: мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги шакллантирилган;

муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; илмий янгилик характериға эға натижалар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолашнинг назарий-методологик асослари»** деб номланиб, унда, баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини баҳолаш соҳасининг жаҳондаги мавжуд тушунчалари ва таърифлари, фактологик ва назарий-методологик базиси, кўрсаткич ва омилларни таҳлилий тизимлаштириш асосида Ўзбекистон шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш ва рэнкингини аниқлашнинг такомиллаштирилган терминологик аппарати, назарий қарашлари ва хулосалар шакллантирилган, комплекс (умумлашган) ёндашуви (методология) ва уни қўллаш принциплари ва методологияси ишлаб чиқилган. Бунда мавжуд библиографик манбалар таҳлили ҳамда баҳолаш ва баҳоларнинг мавжуд турларининг таснифи ва мазмун-моҳияти таҳлилидан назариётчилар ва амалиётчилар ўртасида баҳолашни тушуниш, баҳо турларини таснифий ўрганиш ва тизимлаштиришда ҳанузгача яқдиллик йўқлигини ва бунда баҳолаш, рейтинг ва рэнкинг баҳолаш предмети ва методологияларининг ноаниқлиги аниқланган бўлиб, назарий натижалар берилган.

Ҳозирда рейтинг баҳолашнинг жаҳон бозорига олигополия хос бўлиб, унда 100 дан ортиқ рейтинг агентликлари фаолият юритади. Зеро, бунда Нью-Йоркнинг «катта учталик» деб юритилувчи йирик рейтинг агентликлари улуши мазкур бозорнинг 90 фоизига яқин улушини ташкил қилади, яъни⁹: Standard & Poor's (S&P) – 40%, Moody's – 40% и Fitch – 10%. Зеро, ушбу халқаро рейтинг агентликлари (жумладан A.M. Best Company Inc., Duff and Phelps ва бошқалар) хизматларининг нархи жуда юқори¹⁰. Шу ва бошқа сабабларга кўра, Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар халқаро рейтинг агентликлари хизматларидан фойдаланишга ҳозирчалик тўлиқ тайёр эмас. Шу билан бирга, МҚБХБнинг нисбатан узоқ муддатли ривожланиши давомида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолашнинг нисбатан аниқ, синалган ва бир-биридан кескин фарқланувчи кўп миқдорда методологиялари ишлаб чиқилган бўлсада¹¹, улар ичида барча экспертлар томонидан умумэтироф этилган универсал методологиянинг йўқлиги ва бир нечта рейтинг агентликлари бир компанияга бир-биридан фарқланувчи турли

⁹ Моисеев С.Р. Регулирование деятельности рейтинговых агентств на национальном рынке // Вопросы экономики. 2009. № 2. С. 39.

¹⁰ Онучак В.А. Международные рейтинговые агентства и их оценки: Учебное пособие. -М.: Анкил, 2012. - 165 с.

¹¹ Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности / А.Д. Шеремет. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 415 с.; Солодов А.А. Математические принципы построения рейтинговых систем // Экономика, статистика и информатика. – 2016. – № 1. – С. 75–81; Азимова Т. Рейтинг оценщиков повысился / Т. Азимова // Биржа [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.gazetabirja.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=18921&Itemid=34.

шкалаларда рейтинг баҳолар тақдим этиши муаммоси¹² ила мижозлар томонидан баҳоловчи ташкилотларни танлашда ноаниқликка ва маълум даражадаги ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Турли хил методикалардан фойдаланган ҳолда бир хил фаолиятли ташкилотларни таҳлил қилишда натижалар фарқланиш ҳолатлари юзага келиши кузатилмоқда.

1-жадвал

Халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг шкалаларини солиштириш¹³

Рейтинг шкалалари градацияси				Шкалалар синфларининг рақамли аналог
S&P Bank Deposits (кредитга лаёқатлилиқ)	Fitch Bank Deposits (кредитга лаёқатлилиқ)	Moody's Bank Deposits (кредитга лаёқатлилиқ)	Moody's BFSR (молиявий барқарорлик)	
1	2	3	4	5
AAA	AAA	Aaa	A	1
AA+	AA+	Aa1	-	2
AA	AA	Aa2	-	3
AA-	AA-	Aa3	A-	4
A+	A+	A1	B+	5
A	A	A2	B	6
A-	A-	A3	B-	7
BBB+	BBB+	Baa1	C+	8
BBB	BBB	Baa2	C	9
BBB-	BBB-	Baa3	C-	10
BB+	BB+	Ba1	D+	11
BB	BB	Ba2	D	12
BB-	BB-	Ba3	D-	13
B+	B+	B1	E+	14
B	B	B2	-	15
B-	B-	B3	-	16
CCC+	CCC+	Caа1	-	17
CCC	CCC	Caа2	E	18
CCC-	CCC-	Caа3	-	19
C	C	Ca1	-	20
D	D	Ca2	-	21
-	-	Ca3	-	22
-	-	C1	-	23
-	-	C2	-	24
-	-	C3	-	25
-	-	-	-	26
-	-	-	-	27
-	-	-	-	-n

Бунда рейтинг агентликларининг альтернатив методологиялари, рейтинг баҳолаш шкала ва стандартларидаги фарқланишлар, турли мазмундаги омил(кўрсаткич)лар қўлланилиши турли фарқланувчи рейтинг баҳоларга сабаб бўлмоқда. Масалан, дунёнинг энг йирик учта халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг шкала стандартлари 1-жадвалда келтирилган,

¹² Дьячкова Н.Ф. Сопоставление рейтинговых шкал российских и зарубежных агентств: промышленные и финансовые компании // Корпоративные финансы, 2018, №2, Том 16. НИУ «ВШЭ». – с.35-52.

¹³ Жадвал тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бўлиб, улардаги рейтинг шкалалари синфларга ва гуруҳларга ажратилган¹⁴. Ушбу 1-жадвалда келтирилган шкалалар банклардан ташқари бошқа турдаги ташкилотлар рейтингини баҳолашда ҳам қўлланилади.

Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг ва рэнкинг баҳолари 1-жалвалда берилган 5-устунидаги Халқаро рейтинг агентликлари шкалалари синфларининг рақамли аналоги сифатида [1; 27; -n] интервалаги сонлар тўпламидан иборат ўтиш шкаласини қабул қилиш мумкин. Ушбу агентликлар шкаланинг 22-25 сонлиларига мос индексга тушиб қолган компанияларга рейтинг хизматини кўрсатмаслиги уларни дефолт синфи гуруҳларига оидлигидир. Бунда [1; 27; -n] интервалаги 1 сонига молиявий ўлчамнинг энг катта миқдори тўғри келса, -n сонига молиявий ўлчами манфий бўлган баҳоловчи ташкилот тўғри келади.

Миллий иқтисодиётнинг рақамли трансформацияланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини аниқ баҳолаш муаммоси тобора кескинлашганлиги сабабли, қўшимча харажатларни олдини олиш учун нафақат миқдорий, балки сифат кўрсаткичлардан комплекс фойдаланувчи альтернатив ёндашув (методология) тавсия этилган. Бундай ёндашувда бир нечта турдаги муқобил принциплар ва методикалардан, универсал (кросс) шкаладан, баҳолаш хизматлари бозорининг ахборот шаффофлиги принципини жорий қилишдан фойдаланиш таклиф этилган. Бунда қуйидаги принциплар назарда тутилади:

1) баҳоловчи ташкилотнинг сифатий ва миқдорий параметрларини қамровчи мезоний кўрсаткичларни иккита йирик интеграллашган гуруҳ мезоний индексларга (СРИ – сифатий рейтинг индексга, МРИ – миқдорий рейтинг индексга) ажратиб рейтинг ва рэнкингни баҳолаш тамойили¹⁵;

2) баҳоловчи ташкилот фаолиятининг сифат даражасини эквивалент акс этувчи СРИ ва МРИ категориялари бўйича баҳоланган рейтинг ва рэнкинг натижаларини халқаро рейтинг агентликлари шкаласига мувофиқлаштирилган универсал ўтиш шкаласидан фойдаланиш тамойили¹⁶;

3) баҳоловчи ташкилотлар ҳолати рейтингини кузатиб бориш ва прогноз қилиш тамойили;

4) учала принципнинг амалга оширилишини таъминловчи методикалар мажмуи сифатидаги баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкингини баҳолаш методологиясини (комплекс ёндашувини) рақамлаштириш тамойили.


Илмий-фалсафавий нуқтаи назардан СРИ ва МРИ категориялари

¹⁴ Масалан, Moody's рейтинг агентлигида 9 та синф (Ааа, Аа, А, Ваа, Ва, В, Саа, Са, С) бўлиб, улардан биринчи 4 таси инвестицион ва кейинги 4 таси спекулятив турларга оид, охириги С эса – дефолт синфига оид. Ўз навбатида, синфлар гуруҳларга бўлинган.

¹⁵ Бунда МРИ баҳоловчи ташкилотнинг бухгалтерия баланси (БТББ) асосий 4 та интеграл (суммар) кўрсаткичи ва улар асосида топиладиган 12 та трансформацияланиш коэффициенти ёрдамида адекват ифодаланади.

¹⁶ Бунда ҳар иккала индекс (СРИ ва МРИ) бўйича баҳоланган рейтингларга асосланган рэнкингларнинг натижалари 1-жалвалда берилган 5-устунидаги Халқаро рейтинг агентликлари шкалалари синфларининг рақамли аналоги сифатида қабул қилинган [1; 27; -n] интервалаги сонлар тўпламидан иборат ўтиш шкаласи воситасида СРИ ёки МРИ индексларни рэнкингларга ажратиш мумкин.

диалектиканинг миқдорни сифатга ва сифатни миқдорга айланиши қонунига асосан РО воситасида ўзаро сабаб-оқибатий алоқада бўлганлиги учун, улар РО орқали бир-бирига айланиш ва бир-бирининг ўзгаришини шакллантириш хоссасига эга. Шу сабабли, СРИ ва МРИ бир-бири билан РО орқали боғлиқ эквивалент категориялар деган гипотезанинг мақсадга мувофиқлигини илгари суриш мумкин. Чунки бу гипотезанинг ижтимоий-иқтисодий системология қоидалари асосида тўғрилиги математик исботланган¹⁷. Мазкур қоидалар ва исботга асосланган гипотеза мазмун-моҳиятини ифодалаш мақсадида 1-расм кўринишидаги тороидал шаклдаги модель¹⁸ ўринли.



1-расм. СРИ ва МРИ категорияларнинг РО орқали боғлиқлигини ифодаловчи тороидал шаклдаги тузилмавий-функционал модель¹⁹

Ушбу моделдан қуйидагилар намоён бўлади:

баҳоловчи ташкилот ҳолатини мос равишда сифатий ва миқдорий ифодаловчи ҳар иккала интеграл индекс (СРИ ва МРИ) ривожининг ўзгариши ва шаклланиши натижалари бир-бирига эквивалент категориялар;

баҳоловчи ташкилот фаолиятининг ҳолатини ўзаро эквивалент бўлган СРИ ва МРИ категориялар алоҳида-алоҳида равишда акс этиши мумкин;

баҳоловчи ташкилот ҳолатининг эквиваленти деб қабул қилинган СРИ ва МРИ индекслар ўзгаришини учинчи регулятив омил (РО) белгилайди.

Юқорида айтилганлар асосида қуйидаги учта эквивалент альтернатив вариантларни ўз ичига олувчи комплекс ёндашув таклиф қилинган:

биринчи вариант - фақат баҳоловчи ташкилотлар миқдорий омиллари

¹⁷ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 352 с.; Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - Т.: Iqtisod-moliya, 2018. - 492 b.

¹⁸ Мазкур 1-расмда: ТО – МРИ ва СРИ категорияларга бир вақтда таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар; ХЧК – СРИ категориянинг чиқиш кўрсаткичлари (индикаторлари), улар бир вақтда РО категорияга таъсир кўрсатади; НЧК – МРИ категориянинг чиқиш кўрсаткичлари, улар бир вақтда РО категорияга таъсир кўрсатади; РО – МРИ ва СРИ категориялар учун умумий регулятор; ҚФО ва НФО – РО томонидан шакллантириладиган ҳамда мос равишда СРИ ва МРИ категорияларнинг функцияларига таъсир этадиган ички омиллар. Бунда РО, ТО ҳисобга олинган ҳолда, ХЧК ва НЧК асосида ички омиллар (ҚФО, НФО) шакллантиришдан иборат бўлган мувозанатлайдиган механизм функциясини бажаради. Барча омиллар ўзаро сабаб-оқибатлилик алоқада бўлади.

¹⁹ Расм и.ф.д., профессор Шоҳаъзамий Ш.Ш.нинг илмий асарлари бўйича эквивалент категорияга асосланган гипотеза тамойили асосида тузилиб муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бўлмиш бухгалтерия баланси асосий (4 та интеграл, яъни суммар) кўрсаткичларини бир-бирига боғлиқлиги ва нисбатлари (12 та коэффициент ва уларнинг эталон миқдорлари билан махсус мезонлар асосида ҳисоблаб топилувчи натижалар) ҳолати комплекс таҳлили, рейтинг ва рэнкинг баҳоланишининг математик методикаси;

иккинчи вариант – фақат сифатий ва экспертлар эътироф этган умумлашган молиявий кўрсаткич (масалан, йиллик тушум) кўрсаткичларга асосланган рейтинг баҳолаш асосида рэнкингни аниқлаш методикаси;

учинчи вариант – биринчи ва иккинчи методикалар ёрдамида (яъни ўзаро эквивалент категориялар бўлган СРИ ва МРИ ёрдамида уларга 0,5 миқдордаги тенг вазнлар ҳамда баҳолаш аниқлиги нисбатан 4 (тўрт) баробарга юқори бўлган миқдорий 0,75, сифатий 0,25 вазнлар берилиши маънога эга эканлиги асосида) ҳисоблаб топиш имконини берувчи ҳар бир умумлашган индекснинг ўз вазн коэффициенти билан кўпайтмаларининг суммаси кўринишидаги умумлаштирилган мезон асосида рейтинг баҳолаш ва рэнкинг аниқлаш методикаси.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланишининг ҳолати ва комплекс ёндашувини эмпирик-таҳлилий апробацияси**» деб номланиб, унда қуйидаги амалий таҳлилий масалалар ечимига эришилган: Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори (МҚБХБ) га таъсири ва ушбу бозорнинг миллий иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо берилган ва унда фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш муаммолари аниқланган; тақлиф қилинган комплекс ёндашувни Россия ва Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги учта вариантда – миқдорий, сифатий ва аралаш (комбинациявий) – баҳоланиши мисолларида унинг хоссалари ва имкониятларини эмпирик-таҳлилий апробациядан ўтказиб, амалий жиҳатдан тўғри, қулай ва ишончли эканлиги асосланган.

Бунда, МҚБХБнинг иқтисодиётдаги роли (ЯИМга нисбатан, %) 2019 йилда 2000 йилдагига қараганда 4 (тўрт) баробарга камайган (яъни 2000 йилда 0,046%, 2019 йилда 0,0123%). Ҳозирда (01.01.2020 йил ҳолатига) сертификатга эга баҳоловчилар сони 1069 мутахассис бўлиб, фақат Тошкент шаҳрида олий ва биринчи тоифалиларнинг 11 таси (39,3%) жамланган.²⁰ МҚБХБ институционал таркиби 2020 йилдаги ҳолати бўйича умумий сони 212 баҳоловчи ташкилот бўлиб, ҳудудлар кесимида фақат Тошкент шаҳрида 96 баҳоловчи ташкилот (45,3%) фаолият юритади.

МҚБХБнинг иқтисодиётдаги ролига макроиқтисодий сиёсат (фискал, монетар, инвестиция, иқтисодий ўсиш, инфляция сиёсатлари) индикаторлари таъсирини баҳолашга қаратилган эконометрик таҳлил МҚБХБ ривожланиши бўйича мақтовга сазовор натижалар динамикасини кўрсатмади. Бунинг

²⁰ Ваҳоланки, 2000-2011 йилларда сертификатга эга бўлганлар сони (2018 йилгача тоифалар бериш жорий қилинмаган): 2000 йилда – 589 та, 2003 йилда – 676 та, 2005 йилда – 722 та, 2007 йилда – 804 та, 2011 йилда – 503 та бўлган. Албатта 2020 йилдаги ҳолат Ўзбекистон учун жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

исботини 2000-2019 йиллар маълумотлари асосида ўтказилган эконометрик таҳлил натижалари кўрсатди, яъни улар асосида қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = a - b_1 * X_1 - b_2 * X_2 + b_3 * X_3 + b_4 * X_4 - b_5 * X_5 + b_6 * X_6 + e$$

Ушбу функция (регрессия тенглама) доирасидаги статистик маълумотлар ва улар орасидаги боғлиқликлар таҳлиliga кўра МҚБХБ (Y) ҳажми X1 (ялпи инвестициялар), X2 (монетизация), X5 (фойда солиғи) омиллар билан манфий ишорали ҳамда X3 (қайта молиялаштириш ставкаси), X4 (инфляция), X6 (ЯИМ ўсиши) омиллар билан мусбат ишорали боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бундан МҚБХБ фаолияти ҳозирда давлатнинг замонавий макроиктисодий сиёсати талабларига тўла жавоб бера олмаяпти деб хулоса қилсак бўлади. Ушбу ҳолат ҳамда МҚБХБ ролининг пастлиги ва унинг макроиктисодий сиёсат индикаторлари ўсиш динамикасида сезиларли даражада орқада қолиши мазкур бозор фаолияти билан боғлиқ қуйидаги учта гуруҳ муаммолари мавжудлигини билдиради: 1) баҳоловчи ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ички корпоратив муаммолар; 2) МҚБХБни транспарент ва ҳалол рақобат принциплари асосида ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар; 3) баҳоловчи ташкилотлар фаолияти рейтинги ва рэнкингини аниқ, тезкор ва ишончли баҳоланиши билан боғлиқ муаммолар. Бу муаммоларининг комплекс ечими баҳоловчи ташкилотлар фаолият рейтинги баҳоланиши ва рэнкинги аниқланиши тизими ва методологиясини жорий қилиш, МҚБХБ фаолиятини тартибга солишда ўзини-ўзи мувофиқлаштириш механизмини қабул қилиш ҳамда МҚБХБнинг рақамли трансформацияси билан узвий боғлиқ.

2-жадвал

Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами энг юқори ва қуйи оралиқларда бўлган Россиядаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги²¹

Баҳоловчи ташкилотлар	Молиявий ўлчам	Молиявий рейтинг	Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг	Топ кучликдаги ўрни
Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [0,50; 2] оралиқда бўлган биринчи пешқадамлар топ 5-лигига кирган илғор баҳоловчи ташкилотлар				
«КПМЖ» АЖ	1,52	22,94	0,06607	1
«Эрнст&Янг-оценка и консультационные услуги» МЧЖ	1,40	79,33	0,01761	3
«Финансовый и бухгалтерские консультанты» МЧЖ	0,51	22,49	0,02261	2
«2К» АЖ	0,09	94,85	0,00090	5
«БДО ЮНИКОН» АЖ	0,58	47,49	0,01230	4
Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [-1,20; -2] оралиқда бўлган охириги ўриндагилар топ 3-лигига кирган қоқоқ баҳоловчи ташкилотлар				
«Евроэксперт» МЧЖ	-1,27	176,36	-0,00718	2
АКГ «Инвест Оценка» МЧЖ	-1,47	150,82	-0,00973	3
«Петербургская оценочная компания» МЧЖ	-1,82	492,60	-0,00370	1

²¹ Жадвал тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Амалий тадқиқотнинг мантиқий якуни сифатида учта эквивалент альтернатив вариантларни ўз ичига оловчи комплекс ёндашувни (методологияни) Россиянинг ва Ўзбекистоннинг таниқли баҳоловчи ташкилотларининг СРИ ва МРИ асосида таҳлилий эмпирик апробациядан ўтказиш доирасида ушбу баҳоловчи ташкилотлар молиявий ўлчами аниқланиб, уларнинг рэнкинг поғоналар ичидаги молиявий рейтингни аниқланди.

Хусусан олганда, рейтинг ва рэнкинг баҳоланган баҳоловчи ташкилотларнинг биринчи пешқадам (илғор) топ 5-ликка ва охириги қолоқ ўринлардаги топ 3-ликка кирганлари 2-жадвал ва 3-жадвал натижалари шаклида келтирилиши асосида комплекс ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ўз тасдиғини топди.

3-жадвал

Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами энг юқори ва қуйи оралиқларда бўлган Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинги ²²

Баҳоловчи ташкилотлар	Молиявий ўлчам	Молиявий рейтинг	Рэнкинг поғона ичидаги молиявий рейтинг	Топ кучлиликдаги ўрни
Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [0,65; 2,05] оралиқда бўлган биринчи пешқадамлар топ 5-лигига кирган илғор баҳоловчи ташкилотлар				
«VERITAS» МЧЖ	2,03	18,65	0,10884	2
«UNIVERSAL APPRAISERVIS GROUP» МЧЖ	1,95	398,50	0,00195	4
«EXPERT ESTIMATE» МЧЖ	0,95	312,54	0,00136	5
«LIDER KONSALT SERVIS» МЧЖ	0,68	2,02	0,51515	1
«TSIAR-EKSPERT» МЧЖ	0,32	25,32	0,00906	3
Меъёрлаштирилган молиявий ўлчами [-0,02; 0,20] оралиқда бўлган охириги ўринлар топ 3-лигига кирган қолоқ баҳоловчи ташкилотлар				
